

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

МИРЗАҚУЛОВ ҒУЛОМҚОДИР РАХМАТУЛЛОЕВИЧ

**ИШЛАТИЛГАН ТРАНСПОРТ ШИНАЛАРИДАН МУҚОБИЛ ЁҚИЛҒИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13- Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК 665.6.502.; 678.5.502.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of phylosophy(PhD)

Мирзакулов Гуломқодир Рахматуллоевич

Ишлатилган транспорт шиналаридан муқобил ёқилғи олиш технологиясини
ишлаб чиқиш 3

Мирзакулов Гуломқодир Рахматуллоевич

Разработка технологии получения альтернативного топлива из отработанных
транспортных шин 21

Mirzakulov Gulomkodir

Development of technology for obtaining alternative fuel from used transport
tires 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

МИРЗАҚУЛОВ ҒУЛОМҚОДИР РАХМАТУЛЛОЕВИЧ

**ИШЛАТИЛГАН ТРАНСПОРТ ШИНАЛАРИДАН МУҚОБИЛ ЁҚИЛҒИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13- Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2022.4.PhD/Т1914 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Фарғона политехника институти ва Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ferpi.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Юсупов Фарход Маҳкамович
техника фанлари доктори, профессор

Хамдамова Шоҳида Шерзодовна
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эшметов Иззат Дўсимбатович
техника фанлари доктори, профессор

Ахмадалиев Махамаджон Ахмадалиевич
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳаддислик-технология институти

Диссертация химояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Т.106.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг «21» февраль 2023 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86. Тел.: (+99873) 241-12-06; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz).

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№187-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86. Тел.: (+99873) 241-12-06; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил «08» февраль куни тарқатилди.
(2023 йил « 08 » февральдаги 02- рақамли реестр баённомаси).



З.А.Хамракулов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Р.М.Назирова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, т.ф.ф.д. (PhD), доц.

Р.Р.Тожиёв
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий семинар раиси, т.ф.д. (DSc), доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги илм-фан, техника ва технологиялар ривожланган глобаллашув жараёнида энергияга бўлган талабни ошиб бораётган даврда, табиий хом-ашё захираси камайиши, экологиянинг бузилиши инсоният дуч келаётган ва ечимини топиш долзаб бўлган асосий муаммолардир. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш орқали муқобил ёқилғи маҳсулотларини олиш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда қаттиқ маиший чиқиндилар, хусусан, яроқсиз автошиналарни қайта ишлаб муқобил ёқилғилар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, автошиналарнинг жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилиши ва чиқиндиларнинг тўпланиши бўйича статистик маълумотларни ўрганиш; чиқинди шиналарни экология ва атроф муҳитга зарарли таъсирларини таҳлил қилиш; ишлатилган транспот шиналарини кимёвий таркиби ва хоссаларини аниқлаш; яроқсиз шиналарни қайта ишлашнинг бугунги кундаги усулларини таҳлил қилиш ва самарали усулларни танлаб олиш; термокаталитик қайта ишлаш учун турли хил ноорганик катализаторларни синовдан ўтказиш; автошиналарни қайта ишлашнинг термокаталитик жараёнининг оптимал параметрларини аниқлаш; ишлатилган транспорт шиналаридан муқобил ёқилғи олишнинг техник ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарур.

Республикада ишлатилган транспорт шиналарини ноорганик фаол моддалар билан модификация қилиб фаоллантирилган катализатор ёрдамида термокаталитик қайта ишлаш орқали муқобил ёқилғи олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида «Нефт-газ соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш орқали табиий газ таъминотида ижтимоий химоя кафолатлари белгиланган ҳолда бозор механизмларини жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Бу борада, ишлатилган катализаторларни регенерация қилиш ва улар ёрдамида ишлатилган шиналардан муқобил ёқилғи олиш технологиясини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда 2022 йилнинг 2 феврал куни давлатимиз раҳбари бошчилигида «Чиқиндилар билан ишлаш тизимини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги фармони

такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш” бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида чиқиндиларни йиғиш, саралаш, олиб чиқиш, қайта ишлаш ва утилизация қилишни яхшилаш бўйича топшириқлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёда яроқсиз транспорт шиналарни қайта ишлаш бўйича, хусусан каталитик усулда автошиналардан муқобил ёқилғи олиш технологияси ишлаб чиқиш соҳасида мақсадли тадқиқотлар prof. Dr. Asraruddin Gulzad, MS. Debalaxmi Pradhan, Derakhshan Z., Ghaneian M.T., Mahvi A.H., Fang Y., Zhan U.M., Wang Y, Williams P., Rodriguez I.M., Laresgoiti M.F., Cabrero M.A., Torres A., Chomon M.J., Caballero B., Machin E.B., Pedroso D.T., de Carvalho J.A., Levendis Y.A., Atal A., Carlson J., Dunayevskiy Y., Vouros P., Zhang X., Wang T., Ma L., Chang J. , Kabir M.J., Chowdhury A.A., Rasul M.G. Kar Y. , Dung N.A., Elbaba I.F., Луговой Ю.В., Косивцов Ю.Ю., Сульман Э.М. , Islam M.R, Haniu H. , Pakdel H., Макаревич Е.А., Dongyi Liua, Linbo Qina, Wangsheng Chena, Futang Xinga ва бошқаларнинг илмий мактаблари томонидан фаол изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон олимларидан К.С.Ахмедов, Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекел, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамхўжаев, У.К.Ахмедов, Г.У.Рахматқариев, С.З.Муминов, С.А.Абдурахимов, Б.Н. Ҳамидов, В.П.Гуро, Г.Р.Нарметова, Р.Х.Гумаров, Ф.М.Юсупов, И.К.Сатаев, Д.С.Салиханова, О.К.Бисенбаев, И.Д.Эшметов, Ш.Ш.Хамдамова, О.К.Эргашев, Д.Ж.Жумаевалар ўзларининг тадқиқотлари билан маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида углеводородга бой маҳсулотлар ишлаб чиқиш, турли жараёнларда ноорганик катализаторларни фаоллигини ошириш ва қўллаш каби муаммоларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Саноат ва маиший чиқиндилар асосида углеводородли маҳсулотлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» ва «Чиқинди маҳсулотларини қайта ишлашга тайёрловчи қурилма» мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлатилган транспорт шиналарини ноорганик фаол моддалар билан модификация қилиб активланган катализатор ёрдамида термокаталитик қайта ишлаш орқали муқобил ёқилғи олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Илмий ишда қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар шакллантирилди:

автошиналарнинг жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилиши ва чиқиндиларнинг тўпланиши бўйича статистик маълумотларни ўрганиш;

чиқинди шиналарни экология ва атроф муҳитга зарарли таъсирларини таҳлил қилиш;

ишлатилган транспорт шиналарини кимёвий таркиби ва хоссаларини аниқлаш;

яроқсиз шиналарни қайта ишлашнинг бугунги кундаги усулларини таҳлил қилиш ва самарали усулларини танлаб олиш;

термокаталитик қайта ишлаш учун турли хил ноорганик катализаторларни синовдан ўтказиш;

нефт маҳсулотларини қайта ишлашда қўлланиладиган АКМ катализаторларининг таркибидаги фаол ноорганик моддаларни қайта тиклаш ва катализаторни P_2O_5 ва SiO_2 моддалари билан бойитиш технологияси ишлаб чиқиш;

модификацияланган АКМС катализаторини турли ўлчам, миқдор ва шаклларда жараёнда қўллаш ва оптимал миқдорини ўрганиш, бунга асосан катализаторнинг шакл ҳамда ўлчамини аниқлаш;

автошиналарни қайта ишлашнинг термокаталитик жараёнининг оптимал параметрларини аниқлаш;

олинган суюқ маҳсулотнинг халқаро стандартлари бўйича физик-кимёвий ҳамда коллоидлик хоссаларини ўрганиш;

ишлатилган транспорт шиналаридан муқобил ёқилғи олишнинг техник ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҚМЧ ҳисобланган енгил автомобил шиналари, нефт маҳсулотларини қайта ишлашда фойдаланилган, фаоллиги камайган ноорганик моддалардан иборат АКМ катализаторлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети чиқинди шиналарни термик ва термокаталитик ишлаш усуллари, автошиналарини термокаталитик қайта ишлаш жараёнларининг қонуниятлари, шунингдек, ноорганик катализаторларнинг физик-кимёвий ва катализаторлик хусусиятлари, олинган маҳсулотни коллоид хусусиятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий тадқиқот усулларида ИК-спектроскопия, ГХ-МХ газхроматография масспектор, суюқ маҳсулотнинг хираланиши, совуш ва филтрланиш ҳароратини аниқлаш, ёқилғининг фракцион таркибини аниқлаш, термокаталитик пиролиз, гидротозалаш, изомеризация, гидратация усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагича:

илк мартаба АКМС (CoO – 4 %, MoO_3 – 12 %, SiO_2 – 9 %, P_2O_5 – 1,6-1,8 %, Fe_2O_3 – 0,008 %, Na_2O – 0,05 %, Al_2O_3 – 73,07-73,27%) катализатори фаол ноорганик моддалар билан модификация қилинган ва ушбу катализатор иштирокида, ишлатилган транспорт шиналарни термокаталитик қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган;

нефт маҳсулотларини қайта ишлашда қўлланиладиган ноорганик моддалардан иборат АКМ (CoO – 4%, MoO_3 – 12%, Fe_2O_3 – 0,008%, Na_2O – 0,05%, Al_2O_3 – 83,87 %) катализаторини модификация қилиш орқали, катализаторнинг турғунлиги, фаоллигини ошириш исботланган;

ишлатилган автошиналарни термал қайта ишлашдан кўра, термокаталитик қайта ишлаш иқтисодий, экологик ва технологик жиҳатдан афзал эканлиги исботланган;

катализатор иштрокида олинган ёқилғи сифати ва миқдори жиҳатдан яхшиланганлиги, нефт маҳсулотларига хос бўлган муқобил ёқилғи эканлиги ўтказилган таҳлиллар натижаларида исботланган;

ноорганик катализаторларни қўллаш орқали ёқилғининг чиқиш унуми 29,5 дан 42,5 % гача, яъни 13 % ошишига аниқланган;

ноорганик катализаторларни қўллаш орқали пиролиз ёқилғиси таркибидаги S, O_2 , N_2 , бирикмалар камайиб, олтингугуртли бирикмаларнинг чиқиши 1,83 % дан 0,051% гача камайишига эришилган;

илмий изланиш натижасида ноорганик фаол бирикмалар билан бойитиб модификация қилинган АКМС катализаторларни қўллаш орқали ёқилғининг сифатини яхшиловчи моддаларнинг чиқиш кўрсаткичи кўпайишига эришилган, хусусан, тўйинган углеводородлар 14,7 % дан 23,7 % гача, изо-Алканлар 2,5 % дан 5,7 % гача, моноциклик углеводородлар 29,5 дан 45,28 % гача ортиши исботланган;

ноорганик фаол моддалардан иборат катализатор қўлланганда, суяқ ёқилғининг сифатига салбий таъсир этувчи бирикмалар бициклик ароматик углеводородлар 7,2 % дан 6,1 % гача, полициклик ароматик углеводородлар 1,23 % дан 0,69 % гача камайганлиги аниқланган;

ишлатилган транспорт шиналарни қайта ишлаб муқобил ёқилғи олиш технологияси ва технологик параметлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагича:

қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашнинг янги технологияси ишлаб чиқилган;

илк маротаба АКМС катализатори ёрдамида чиқинди шиналарини термокаталитик усулда қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган технология асосида нефт маҳсулотини ўрнини босувчи муқобил ёқилғи, пиролиз газы, сажа(техник углерод) ва сифатли металл олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотлар замонавий физик-кимёвий ва аналитик усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилди ва илмий текшириш институти ва ишлаб чиқариш корхоналарида лабораториялар ва ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тадқиқотлар далоланомалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлатилган транспорт шиналарини қайта ишлашда ноорганик катализаторларни қўллаш орқали муқобил ёқилғи олишнинг илмий асосланган технологиясини ишлаб чиқишда, нефт маҳсулотларини қайта ишлашда қўлланиладиган АКМ

катализаторларини модификация қилишда, оғир нефт маҳсулотларини зарарли бирикмалардан тозалаш жараёнларини мақсадли амалга ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган технология қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш инфратузулмасини яхшилаш, чиқиндидан хом-ашё сифатида фойдаланиш орқали нефт ва нефт маҳсулотларини ўрнини босувчи муқобил ёқилғи олишга шунингдек ўқув муассасаларида кимё ва кимёвий технология соҳаларида магистр ҳамда бакалаврларни тайёрлашда ўқув жараёни учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлатилган транспорт шиналаридан муқобил ёқилғи олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотнинг олинган илмий натижалари асосида:

нефтни қайта ишлашда қўлланиладиган АКМ катализаторини модификациялаб ёқилғи чиқишини ошириш ва уни гидротозалаш жараёнида қўллаш технологияси “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг “2024-2026 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалари рўйхати”га киритилган (“ФНҚИЗ” МЧЖнинг 2022-йил 6 декабрдаги 08-512-сон маълумотномаси). Натижада, модификацияланган катализаторни қўллаш орқали ёқилғи таркибидаги зарарли бирикмаларни камайишига эришиш имконини беради;

модификацияланган катализатор асосида ёқилғини тозалаш, хоссаларини яхшилаш усули “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг “2024-2026 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалари рўйхати”га киритилган (“ФНҚИЗ” МЧЖнинг 2022-йил 6 декабрдаги 08-512-сон маълумотномаси). Натижада, норганик катализаторларни қўллаш орқали ёқилғининг чиқишини 29,5 % дан 42,5 % гача, яъни 13 % ошишига эришиш имконин беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 18 халқаро ва 3 республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, жумладан 8 та илмий мақола, шулардан 4 таси республика ва 4 таси халқаро Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси диссертацияларнинг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги очиб берилиб, тадқиқотнинг амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Транспорт шиналарини қайта ишлашнинг бугунги ҳолати ва истиқболли технологиялари"** деб номланган биринчи бобида илмий-техник нашрлар, патентлар ва адабиётлар асосида транспорт шиналари ҳақида асосий маълумотлар, яъни яроқсиз транспорт шиналарининг хусусиятлари ва бошланғич таркиби, бугунги кундаги ҳолати, чиқинди полигонларидаги яроқсиз шиналарни экология ва атроф муҳитга салбий таъсири, автошиналарни қайта ишлаш усуллари, транспорт шиналарини ишлаб чиқариш, қайта ишлашнинг дунё ва мамлакатимиздаги ҳолати, яроқсиз шиналарни кимёвий йўл билан қайта ишлашнинг афзалликлари ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш методологияси бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ҳақида умумий маълумот берилган. Бу муаммоларни танқидий таҳлил қилиш асосида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **"Фойдаланилган материаллар характеристикалари, тажрибаларни ўтказиш усуллари"** деб номланган иккинчи боби тадқиқот объекти сифатида фойдаланилаётган чиқинди транспорт шиналарини тузилиши ва бошланғич таркибини ўрганиш, тажрибани ўтказиш услублари ва лаборатория қурилмаларини танлаш, олинган маҳсулотнинг замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари тавсифига бағишланган.

Олинган суяқ ёқилғи таркибидаги функционал гуруҳлар миқдорий ва сифат таркиби ИҚ-спектроскопия таҳлили ёрдамида ўрганилган.




1-Расм. Чиқинди автошиналари пиролиз суяқлигининг инфрақизил ўзгарувчан спектроскопияси

Таҳлил натижаларига кўра намунадаги ёқилғи таркибида Алкан - CH_3 ($2975\text{-}2950\text{ cm}^{-1}$), алкан - CH_2 - ($2940\text{-}2915\text{ cm}^{-1}$), алкен $\text{C}=\text{C}$ ($1680\text{-}1620\text{ cm}^{-1}$), ароматик углеводородлар ($1600\text{-}1575\text{ cm}^{-1}$), алдегидлар $\text{R}-\text{CHO}$ ($2880\text{-}2650$

см⁻¹) , аминлар R₂C=NH₂ (2500-2300 см⁻¹), каби функционал гуруҳлар аниқланди.


Таҳлил натижасларини АВТ қурилмасидан олинган ёзги ва қишки дизел ёқилғиси, каталитик крекинг газоици, секинлаштирилган кокс ишлаб чиқариш қурилмасининг енгил газоицлари хромм-масс-спектрияси газ хромотографияси таҳлил натижалари билан таққослаб чиқилди.



2-расм. Автошина пиролизи натижасида олинган ёқилғини нефтни қайта ишлашдан олинган ёқилғилар билан таҳлил натижаси бўйича таққослаш графиги.

Олинган суяқ ёқилғи нефтни қайта ишлашдан олинган ёқилғи фракцияларининг таркиби билан кўп жихатдан ўхшаш эканлиги исботланди.

Олинган суяқ ёқилғи таркибидаги индивидуал углеводородларни аниқлаш учун замонавий усулларида ҳисобланган газ хромотографик масс-спектрометриядан фойдаланилди.



3-расм. Ишлатилган шинларни қайта ишлаб олинган суяқ ёқилғининг газ хромотографик масс-спектрометрияси (GC-MS).

Ўтказилган таҳлил натижасига кўра аниқланган моддаларнинг масса жиҳатидан энг юқори миқдордагилари ажратиб олинган. Натижадан кўриниб турибдики ишлатилган чиқинди шиналарни қайта ишлаб олинган суяқлик таркибида Нонан (6,21%), Декан (6,29%), Ундекан (2,18%), 1,2-диметилбензол (4,8%), m-Этилметилбензол (2,87%), 2,6-Диметилоктан (2,07%), Этилбензол (5,64%), o-Ксилол (5,52%), 1-Этил-2-метилбензол (6,13%), 1,2,3-Триметилбензол (3,77%), п-Цимол (4,65%), Октан (2,71%) каби органик моддалар энг кўп миқдорда ташкил этган.

Диссертациянинг «Яроқсиз автошиналарни пиролиз усули билан қайта ишлаш жараёнини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида чиқинди шиналарни лаборатория шароитида турли параметрларда пиролиз қилинган ва оптимал параметрлар ишлаб чиқилган.

Эксперимент ўтказиш жараёнида маҳаллий ишлаб чиқарувчи ҳисобланган “Uzavto motors” АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларнинг “Tire-FRT&RR (R12 NEXEN)” марказдаги чиқинди шина бўлаги намуна сифатида олинди. Олинган намуна лаборатория шароитида йиғилган қурилмалар ёрдамида пиролиз қилинди.

Ўказилган тажрибалар бўйича:

- 1-тажриба (300 °С даги пиролиз) бўйича, жараён секин 27 дақиқа давом этди. Суюқ фазанинг чиқиши кам (25,3%). Қолдиқ кўп миқдорда (59,1%) қолиши кузатилди. Пиролиз реакцияси бориши учун ҳарорат етарли бўлмагани сабабли, жараёни тўхтаб қолди.

- 2-тажриба (400 °С даги пиролиз) бўйича, жараён секин 22 дақиқа давом этди. Суюқ фазанинг чиқиши (31,2%) ни ташкил этди. Қолдиқ (52,4%) қолиши кузатилди. Пиролиз реакцияси бориши учун ҳарорат етарли бўлмагани сабабли, жараёни тўхтаб қолди.

- 3-тажриба (500 °С даги пиролиз) бўйича, жараён 17 дақиқа давом этди. Суюқ фазанинг чиқиши (42,5%) ни ташкил этди. Қолдиқ (40,6%) қолиши кузатилди. Пиролиз жараёни охиригача амлага ошди. Шина тўлиғича парчаланиши кузатилди.

- 4-тажриба (600 °С дан юқоридаги пиролиз) бўйича, жараён қолган тажрибаларга нисбатан тез 14 дақиқа давом этди. Суюқ фазанинг чиқиши (34,8%) ни ташкил этди. Қолдиқ (38,7%) қолиши кузатилди. Пиролиз реакцияси охиригача борди ва шина тўлиғича парчаланиши кузатилди. Ушбу жараёнда қолган тажрибаларга нисбатан енгил углеводород газлари кўп (20,4%) ҳосил бўлди.

Чиқинди автошинадан суюқ ёқилғи олиш учун паст ҳароратдаги пиролиз жараёнини амалга ошириш учун 500 °С оптимал ҳарорат бўлиши исботланди. Газ ҳолидаги углеводородлар ишлаб чиқариш учун юқори ҳароратда борадиган пиролиз жараёнидан фойдаланиш ва жараён 600 °С дан юқори ҳароратда олиб бориш кераклиги исботланди.


1-жадвал.

Ишлатилган автошина чиқиндисини турли ҳароратларда пиролиз қилишдан олинган маҳсулотлар

Маҳсулот номи	Пиролиз ҳарорати, °С			
	300	400	500	<600
Қолдиқ каттик фаза, % масс.	59,1	52,4	40,6	43,4
Суюқлик, % масс.	25,3	31,2	42,5	32,6
Газ фаза, % масс.	9,5	10,3	10,8	17,9
Металл, % масс.	6,1	6,1	6,1	6,1
Жами	100	100	100	100

Олинган натижалар асосида диаграмма қурилди. Ҳарорат ортиши (300-500 °С оралиғида) билан суюқ ёқилғини чиқиши ортиб бориши, юқори ҳароратда (600 °С ортиқ) олиб борилган пиролиз жараёнида суюқликни чиқиши камайганлиги кузатилди, газ фазани чиқиши эса кескин ортиши кузатилди. Демак, юқори ҳароратда олиб бориладиган пиролиз жараёнида юқори ҳарорат ҳисобига углеводородлар парчаланиб, газ ҳолидаги

углеводородларга ажралаётгани аниқланди. Қаттиқ қолдиқ ҳарорат ортиши билан камайиб бориши кузатилди. Жараён учун мақбул ҳарорат деб 500 °С олинди.



4-расм. Ўтказилган тажриба синови ва олинган натижалар.

Пиролиз натижасида олинган суюқ фазани кўришимиз мумкин. 4(с)-расмда чап тарафдаги колбада ранги оч кўринишда ноорганик катализатор билан қайта ишланган суюқ фаза, ўнг томондаги колбада бироз тўқроқ рангда катализаторсиз олинган суюқ фаза кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Нефт маҳсулотларни қайта ишлашда қўлланиладиган АКМ катализаторини модификациялаш ва пиролиз ёқилғини термокаталитик қайта ишлашда қўллашни илмий асослаш”** деб номланган тўртинчи бобида ноорганик катализаторлар ёрдамида пиролиз жараёнидан олинган ёқилғининг сифатини яхшилаш мақсадида, ноорганик катализаторлар иштирокида турли тадқиқотлар ўтказилган. Ноорганик моддалардан фойдаланган ҳолда катализаторлар модификация қилинган.

Ишлатилган транспорт шиналаридан олинган ёқилғиларни термокаталитик қайта ишлашнинг асосий вазифаларидан бири чиқаётган маҳсулотни сифатини яхшилаш, миқдорини ошириш ва технологик жараён параметрларини оптималлаштиришдан иборатдир. Дунё олимлари томонидан ёқилғини термокаталитик қайта ишлаш жараёнлар учун бир қанча ноорганик катализаторлар синовдан ўтказилган.

Маълумки нефт маҳсулотлар таркибидаги зарарли бирикмаларни тозалаш ва улар таркибидаги тўйинмаган углеводородларни водород иштирокида тўйинтириш учун гидротозалаш жараёни олиб борилади. Бу жараёнларда алюмоникельмолубден (АНМ) NiO – 4%, MoO₃– 12%, Fe₂O₃ – 0,008%, Na₂O – 0,05%, Al₂O₃ – 83,87 %, алюмокобальтмолубден (АКМ) CoO – 4%, MoO₃– 12%, Fe₂O₃ – 0,008%, Na₂O – 0,05%, Al₂O₃ – 83,87 % каби катализаторлар қўлланилади.

НҚИЗларда хусусан ФНҚИЗ нинг Л 35-11/300, ЛЧ 35-11/600, ГДС каби қурилмаларида нефт маҳсулотларини зарарли бирикмалардан (S, N₂, O₂ ларнинг гетроциклик бирикмалари) тозалаш мақсадида, АКМ катализаторлари қўлланилади. Ушбу турдаги катализаторлар 5-7 йил фойдаланилгандан сўнг чиқинди сифатида жараёндан чиқарилади. Шу мақсадда чиқинди АКМ катализаторларини регенерация қилиш, уларнинг

таркибидаги фаол элементлардан оқилона фойдаланиш мақсадида қайта ишлаш усули яратилди.

Активликни тиклаш мақсадида катализаторни қайта ишланади. Жараён қуйидаги тартибда амалга оширилади.




5-расм. Чиқинди катализаторни қайта ишлаш схемаси.

Чиқинди катализатор тегирмонда майдаланади. Майдаланган аралашма ичидан коксланган қисми ажратиб юборилади. Аралашма таркибидаги фаол моддаларни миқдорини нормага етказиш мақсадида тоза ҳолдаги CoO , MoO_3 оксидлар қўшилади.


Майдаланган катализаторга унинг мустаҳкамлиги ва турғунлигини яхшилаш мақсадида SiO_2 қўшилади. Шундан сўнг қоришма тайёрланиб катализатор босими юқори бўлмаган сиқиш қурилмаси ёрдамида ишлов берилади ва шарсимон шаклда қайта қуйилади. Юқори босим остида сиқилмаганлиги сабабли унинг зичлиги, солиштирма юзаси, нормал ҳолатда бўлади. Бу эса пиролиз жараёни учун босимни юқори бўлмаса ҳам жараённи амалга ошириш имкониятини беради. Шундан сўнг тайёр катализатор фосфат кислота эритмаси билан ишлов берилади ва 6-8 соат давомида $120-130^\circ\text{C}$ ҳароратда ушлаб турилади. Қуритилгандан сўнг таркибида P_2O_5 1,6-1,8 % катализаторнинг устки қисмида қолади. Бу усулда фаол моддалар билан модификация қилинган АКМС (CoO – 4 %, MoO_3 – 12 %, SiO_2 – 9 %, P_2O_5 – 1,6-1,8 %, Fe_2O_3 – 0,008 %, Na_2O – 0,05 %, Al_2O_3 – 73,07-73,27%) катализаторларини коксланишга ва захарланишга турғунлигини оширади. Бундан ташқари суяқ ёқилғини таркибидаги зарарли бирикмаларни максимал даражада тозалашга ҳамда водород билан тўйинтиришга, ёқилғи сифатини яхшиловчи моддаларни кўпайишига эришилади.

Модификацияланган катализаторнинг юза морфолигиясини ўрганиш мақсадида намунадаги катализаторни сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ) ёрдамида ўрганилди. Унга кўра, дастлабки намуна турли ҳажмдаги ва кўринишдаги ғовакли структурага эга эканлигини, ўзининг дисперслиги ва морфолигик таркибига қараб, ҳар хил шаклдаги заррачалардан иборат эканлиги аниқланди. Ўтказилган тадқиқотда намунадаги АКМС-5P катализатор таркибидаги фаол моддалар миқдори, модификация қилинган моддалар миқдори, ғоваклар ўлчамини кўринишлари аниқланди.

Сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ) ёрдамида АКМ ҳамда АКМС-5Р катализаторларининг хусусиятлари аниқланди ва ўзаро таққосланди.



6-расм. АКМ катализаторининг СЭМ натижалари



7-расм. АКМ ни модификация қилиб олинган АКМС-5Р катализаторининг СЭМ натижалари

Ўрганиш натижасида катализаторлар таркибидаги фаол моддаларнинг массага нисбатан миқдорлари турлича бўлганда гидротозалаш, изомерланиш, гидротация, циклизация каби реакциялар бориши ва фаол моддаларнинг масса улишидан келиб чиқиб катализатор табиати, мустаҳкамлиги, селективлиги, жараёни олиб бориш параметрларига таъсири ва асосийси суюқ ёқилғини тозалаш ҳамда фойдали моддаларни ортиши билан борадиган реакциялар кўп амалга оширилишини кузатиш мумкин бўлади.

Маълумки, катализаторнинг асосий физик-кимёвий хусусиятлари, мустаҳкамлик индекси тайёрлаш босқичида белгиланади, аммо катализаторга киритилган компонентларнинг миқдори намунанинг якуний физик-кимёвий хусусиятларига таъсир қилади. Тайёрланиш усули ва таркибидаги ташувчига киритилган фаол компонентлар миқдори катализаторнинг ғовак ҳажми,

зичлиги, солиштирма юзаси, ғовакнинг ўртача диаметри каби факторларга таъсир кўрсатади.

2-жадвал.

Намуна сифатидаги ўрганилаётган катализаторларнинг физик-кимёвий хусусияти

№	Жараён параметлари	AKMS-1	AKMS-2	AKMS-3	AKMS-4P	AKMS-5P	АНMS-6	АНMS-7
1.	Зичлиги, г/см ³	0,83	0,83	0,75	0,84	0,83	0,80	0,80
2.	Мустахамлик индекси, кг/мм	1,1	1,7	1,9	2,8	2,9	2,1	2,1
3.	Куйдиришдаги йўқотилишлар, % масс.	4,3	4,4	4,6	2,6	2,8	4,8	4,4
4.	Солиштирма юзаси, м ² /г	176	154	162	185	187	180	185
5.	Ғовакнинг хажми, см ³ /г	0,61	0,64	0,62	0,67	0,68	0,64	0,62
6.	Ғовакнинг ўртача диаметри, Å	121	128	160	165	165	142	127

Намунадаги катализаторларни шинани термokatалитик қайта ишлаш жараёни учун турли параметрларда қўллаб тажриба ўтказилди. Ўтказилган тажриба синов натижасига кўра, намунадаги AKMS-4P, AKMS-5P катализаторлар энг фаол эканлиги исботланди. Уларнинг таркиби Al₂O₃ – 73,07 %, MoO₃ – 12 %, CoO₂ – 4 %, SiO₂ – 9 % ва P₂O₅ – 1,6-1,8 % каби фаол моддалар билан модификация қилиб фаоллаштирилган.


Жараён 320-380 °C оралиғидаги ҳароратда, хом-ашёни 1,0 соат⁻¹ хажмий тезликда, 2,0 МПа босимда амалга оширилди. Бунда водороднинг хом ашёга ҳажмий нисбати 1:3 қилиб олинди. Олиб борилган тажриба синов натижасида ёқилғи таркибидаги олтингугуртли бирикмаларнинг миқдори, азотли бирикмаларнинг миқдори сезиларли даражада камайиши кузатилди. Ёқилғи 320 °C гача қиздириб реакторга берилди. Дастлабки хом ашё таркибидаги олтингугуртли ва азотли моддаларнинг миқдори билан реактордан олинган катализат намунасининг таркиби текширилди.

3-жадвал.

Транспорт шинасининг пиролиз ёқилғиси термokatалитик тозалашда намунадаги модификация қилинган AKMS-5P катализаторни тажриба-синов натижалари

№	Ҳарорат, °C	Хом ашёни узатиш хажмий тезлиги (v), соат ⁻¹	Водород хом ашёнинг хажмий нисбати	Босим, МПа	Олтингугуртнинг қолдиқ миқдори, % мас.	Азотнинг қолдиқ миқдори, % мас.	Тозаланиш даражаси, %
1.	320	1,0	1:3	2,0	0,742	0,325	66,3
2.	330	1,0	1:3	2,0	0,514	0,244	76,6
3.	340	1,0	1:3	2,0	0,365	0,217	83,4
4.	350	1,0	1:3	2,0	0,114	0,108	94,8
5.	360	1,0	1:3	2,0	0,068	0,057	96,9
6.	370	1,0	1:3	2,0	0,051	0,037	97,7
7.	380	1,0	1:3	2,0	0,051	0,037	97,7

Бунда, намунадаги АКМС-4Р катализатори қўлланганда жараён 320 °С ҳароратдан бошлаб амалга оширилганда таркибидаги олтингугуртли бирикмалар 0,764 % дан бошлаб, 380 °С га етганда 0,051 % ни ташкил этди. Бунда катализаторнинг тозалаш жараёни 65,2 % дан бошлаб, 97,7 % гача етгани кузатилди.



8-расм. Транспорт шинасини пиролиз қилиб олинган суюқ ёқилғининг таркибидаги олтингугуртдан намунадаги турли катализаторлар билан тозалаш


Намунадаги АКМС-5Р катализатори қўлланганда жараён 320 °С ҳароратга етганда намуна олиб текширалди, олинган намунадаги олтингугуртли бирикмаларнинг миқдори массага нисбатан 0,742 % дан бошлаб, 380 °С га етганда 0,051 % ни ташкил этди. Бунда катализаторнинг тозалаш жараёни 66,3 % дан бошлаб, 97,7 % гача етгани кузатилди.

Бир хил миқдорда олинган бир турдаги чиқинди шиналарини турли ноорганик катализаторлар ёрдамида лаборатория шароитида термокаталитик пиролиз қилиш йўли орқали тажриба синовидан ўтказилди. Натижалар таҳлил қилинди ва жадвал кўринишида жамланди. Ушбу ўтказилган тажриба натижалари 9-расмда келтирилган.

4-жадвал.


Пиролиз ёқилғисини сифатини яхшилаш учун ноорганик катализаторларнинг синов натижалари

Маҳсулот номи	Тажрибада қўлланилган катализаторлар				
	Катализаторсиз	NiCl ₂	CoCl ₂	АКМС	Цеолит
Газ фаза	21,8	15,6	15,4	10,8	14,4
Суюқ маҳсулот	29,5	37,6	38,3	42,5	38,4
Қаттиқ қолдиқ	42,6	40,7	40,2	40,6	41,1
Металл	6,1	6,1	6,1	6,1	6,1
Жами	100	100	100	100	100



9-расм. Пиролиз ёқилғисини сифатини яхшилаш учун турли хил катализаторларнинг синов натижалари

4-жадвал ва диаграммадан кўришиб турибдики жараёни катализатор иштирокида амалга ошириш термокаталитик жараёнга нисбатан газ фазасини чиқиши юқори (массага нисбатан 21,8 % ни) бўлади, аксинча жараёнда суюқ маҳсулотни чиқиши эса пасайди (массага нисбатан 29,5 % ни). Термокаталитик жараёнда 4 хил турдаги катализаторлар синовдан ўтказилди. Жараёнинг асосий мақсади суюқ ёқилғи олишга қаратилганлиги сабабли, янги тавсия этилган модификацияланган АКМС катализаторидан фойдаланилганда суюқ ёқилғининг чиқиши қолган катализаторларга нисбатан энг юқори кўрсаткични (массага нисбатан 42,5 %) ташкил қилди. Газ фазанинг чиқиши энг паст кўрсаткични қайд этди (массага нисбатан 10,8 %). Ўтказилган тажрибага асосланиб ҳулоса қилиш мумкинки, газ ҳолидаги углеводородлар катализатор таъсирида ўзаро бирикиб, суюқ углеводородларни (C₅-C₈) ҳосил қилади. Демак, синовдан ўтказилган ноорганик катализаторлар ичида модификацияланган АКМС қўлланганда автошиналарни пиролиз қилишдан ҳосил бўлган суюқ ёқилғининг чиқиши энг юқори кўрсаткични намоён қилади.




10-расм. АКМС катализатори иштирокида ва катализаторсиз ҳосил бўлган моддалари миқдори

Диаграммада яроқсиз шиналарни катализаторсиз ва АКМС катализатори иштирокида термик ва термокаталитик қайта ишлаб олинган суюқ ёқилғи табиби таҳлил қилинган. Жараёнга катализатор қўлланганда ёқилғи таркибининг сифатига ижобий таъсир кўрсатадиган бирикмалар

ҳисобланган алканлар миқдори 14,7 % дан 23,9 % гача кўтарилгани, изомерланган углеродлар миқдори 2,5 % дан 5,78 % гача ортгани, моноциклик углеводородларнинг миқдори 29,5 % дан 45,28 % гача кўтарилгани кузатилди.

Пиролиз жараёнидан олинган ёқилғилардан сифатли маҳсулотларни олишда ноорганик катализаторлар ичида модификация қилиб бойитилган АКМС катализаторнинг селективлиги энг юқори кўрсаткични қайд этганлиги кузатилди. Ушбу катализатор суяқ ёқилғи таркибидаги керакли бирикмаларни кўпайтириш билан бир қаторда, ёқилғи сифатига салбий таъсир кўрстувчи, фойдаланилганда экология ва атроф муҳитга зарарли газлар ажралиб чиқишига олиб келувчи моддаларнинг миқдорини камайиши билан борадиган реакцияларни амалга ошириш имконини бериши исботланди.



11-расм. АКМС катализатори иштирокида ва катализаторсиз ҳосил бўлган зарарли бирикмаларни миқдори

Ёқилғининг сифатига салбий таъсир этувчи бирикмалар бициклик углеводородлар 7,2 % дан 6,1 % гача, полициклик углеводородлар 1,23 % дан 0,69 % гача камайганилиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Чиқинди шиналарини термокаталитик қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобда чиқинди шиналардан муқобил ёқилғи олишнинг тажриба-синов ва саноат қурилмаси ва технологик схемаси ишлаб чиқишган.

Тадқиқотлар натижасида ишлатилган транспорт шиналарини қайта ишлаш жараёнида ёқилғи олиш учун лаборатория шароитида йиғилган ва қўлланган технологик схемага ва параметларга асосланиб, катта миқдордаги шиналарни қайта ишлашга мўлжалланган пилот қурилма ишлаб чиқилди.

Чиқинди автошиналардан суяқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича дастлабки техник-иқтисодий асослаш амалга оширилди. Суяқ ёқилғини термокаталитик усулда ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган иқтисодий самара йилига 964 022 400 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

Илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Яроқсиз транспорт шиналаридан фойдаланиш усуллари ҳамда уларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди.

2. Илк бор АКМ катализаторлари асосида фаол ноорганик моддалар билан модификация қилиб, автошиналарни пиролиз қилиш жараёнидан олинган суяқ ёқилғиларини тозалаш ҳамда сифатини яхшилашга эришилди.

3. Биринчи бор АКМ катализаторлари асосида таркибида фаол ноорганик моддалар MoO_3 – 12 %, CoO_2 – 4 %, Al_2O_3 – 73,27 % бўлган, SiO_2 – 9 % ва 1,6 % P_2O_5 билан бойитилган АКМС-5Р катализатори синовдан ўтказилди.

4. АКМС катализаторининг таркибидаги фаол моддалар масса улишидан келиб чиқиб, катализатор табиати, заҳарланишга турғунлиги, мустаҳкамлиги, селективлиги, жараёни олиб бориш параметрларига ижобий таъсири ўрганилди ва катализатор таркибининг оптимал улуши аниқланди.

5. Тадқиқотда ноорганик моддалар билан модификацияланган катализаторларни қўллаш орқали ёқилғининг чиқишини 29,5 % дан 42,5 % гача, яъни 13 % ошишига ҳамда ёқилғининг сифатини яхшиловчи моддаларнинг кўпайиш кўрсаткичини ортишига эришилди. Ҳусусан, тўйинган углеводородлар 14,7 % дан 23,7 % гача, изо-Алканлар 2,5 % дан 5,7 % гача ортиши исботланди.

6. Ўтказилган тадқиқотларига асосланиб жараёни тажриба-синов ва саноат намуналари ҳамда технологик схемалар, жараён учун мақбул параметрлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган технология “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ да саноат синовидан ўтказилди.

7. Чиқинди автошиналардан суяқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича дастлабки техник-иқтисодий асослаш амалга оширилди. Термокаталитик усулда ишлаб чиқарилган суяқ ёқилғининг тан нархи 2 231 075 т/сўм ни ташкил этиб, аналог маҳсулотлардан 2 273 925 т/сўм арзон ҳисобланади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Т.106.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ
ПОЛИТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

Мирзакулов Гуломкодир Рахматуллаевич

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ АЛЬТЕРНАТИВНОГО
ТОПЛИВА ИЗ ОТРАБОТАННЫХ ТРАНСПОРТНЫХ ШИН**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их
основе**

02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером В2022.4.PhD/T1914 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте и в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.farpi.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель:

Юсупов Фарход Махкамович
доктор технических наук, профессор

Хамдамова Шоида Шерзодовна
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Эшметов Иззат Дўсимбатович
доктор технических наук, профессор

Ахмадалиев Махамаджон Ахмадалиевич
доктор технических наук

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита состоится «21» февраля 2023 года в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.T.106.04 при Ферганском политехническом институте по адресу: 150107, г. Фергана, ул. Ферганская, 86; Тел.: (+99873) 241-12-06; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ферганского политехнического института за №187, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (150107, г. Фергана, ул. Ферганская, 86. Тел.: (+99873) 241-12-06; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz)

Автореферат диссертации разослан «08» февраля 2023 года (реестр протокола рассылки №02 от «08» февраля 2023 года.



Хамракулов З.А.
Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук

Назирова Р.М.
Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по техническим наукам (PhD)

Тожиёв Р.Р.
Председатель высшего научного семинара при разовом научном совете, присуждающий ученые степени доктор технических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В современном развитии науки, техники и технологии возрастают потребности в энергии в условиях процессов глобализации, сокращение запасов природного сырья, разрушение экологии - основные проблемы, с которыми сталкивается человечество и которым необходимо найти решение. Для решения существующих проблем необходима разработка технологий получения альтернативных топливных продуктов путем переработки твердых бытовых отходов.

В мире ведутся научные исследования по производству альтернативных видов топлива и других продуктов путем переработки твердых бытовых отходов, в частности, непригодных для использования автомобильных шин. В связи с этим имеет приоритетное значение изучение статистических данных о мировом производстве автомобильных шин и накоплении отходов; анализ вредного воздействия отработанных шин на экологию и окружающую среду; определение химического состава и свойств отработанных транспортных шин; анализ современных методов утилизации непригодных шин и выбор эффективного метода; испытания различных неорганических катализаторов для термокаталитических процессов; определение оптимальных параметров термокаталитического процесса переработки автомобильных шин; необходимость оценки технико-экономической эффективности получения альтернативного топлива из отработанных транспортных шин.

В республике достигаются научные и практические результаты по разработке технологии производства альтернативного топлива путем термокаталитической переработки с использованием катализатора, активированного путем модификации отработанных транспортных шин неорганическими активными веществами. В третьем направлении стратегии развития нового Узбекистана определены задачи «Внедрение рыночных механизмов в сфере газоснабжения с гарантиями социальной защиты путем ускорения трансформационных процессов в нефтегазовом секторе»². В связи с этим особое внимание уделяется регенерации отработанных катализаторов и созданию альтернативной технологии получения топлива с их применением из отработанных шин.

Указы Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и № УП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышения ее инвестиционной привлекательности» и Постановление № ПП-4805 от 12 августа 2020 г. «О мерах по повышению качества непрерывного образования и эффективности науки в области химии и биологии», а также 2 февраля 2022 года на

²Указ президента республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

видеоселекторном совещании под руководством главы государства, посвященном приоритетным задачам на 2022 год по совершенствованию системы обращения с отходами и улучшению экологической обстановки в регионах, реализации общенационального проекта "Зеленое пространство" были даны задания по улучшению сбора, сортировки, вывоза, переработки и утилизации этих отходов, а также это диссертационное исследование служит в определенной степени для реализации задач поставленных в нормативно-правовых документах касающихся этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с VII приоритетным направлением развития науки и технологий Республики «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В научно-технической литературе изучено и освещено много информации по переработке отработанных шин, в частности, по технологии получения альтернативного топлива из автомобилей каталитическим методом.

Результаты анализа литературы показывают, что среди зарубежных ученых prof. Dr. Asraruddin Gulzad, MS. Debalaxmi Pradhan, Derakhshan Z., Ghaneian M.T., Mahvi A.H., Fang Y., Zhan U.M., Wang Y, Williams P., Rodriguez I.M., Laresgoiti M.F., Cabrero M.A., Torres A., Chomon M.J., Caballero B., Machin E.B., Pedroso D.T., de Carvalho J.A., Levendis Y.A., Atal A., Carlson J., Dunayevskiy Y., Vouros P., Zhang X., Wang T., Ma L., Chang J. , Kabir M.J., Chowdhury A.A., Rasul M.G. Kar Y. , Dung N.A., Elbaba I.F., Луговой Ю.В., Косивцов Ю.Ю., Сульман Э.М. , Islam M.R, Haniu H. , Pakdel H., Макаревич Е.А., Dongyi Liua, Linbo Qina, Wangsheng Chena, Futang Xinga и др. проведены исследования по получению альтернативных видов топлива из различных промышленных отходов, улучшению их качества и количества.

Среди ученых Узбекистана К.С.Ахмедов, Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекел, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамхўжаев, У.К.Ахмедов, Г.У.Рахматкариев, С.З.Муминов, С.А.Абдурахимов, Б.Н. Ҳамидов, В.П.Гуро, Г.Р.Нарметова, Р.Х.Гумаров, Ф.М.Юсупов, И.К.Сатаев, Д.С.Салиханова, О.К.Бисенбаев, И.Д.Эшметов, Ш.Ш.Хамдамова, О.К.Эргашев, Д.Ж.Жумаева своими исследованиями внесли большой вклад в решение проблем разработки углеводородосодержащих продуктов на основе местного сырья и промышленных отходов, повышения активности неорганических катализаторов и использования их в этих процессах.

Связь диссертационного исследования с исследовательскими планами ВУЗа, в котором выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом НИР Ферганского политехнического института в рамках инновационных проектов «Разработка технологии получения углеводородных продуктов на основе промышленных и бытовых отходов» и «Оборудование для подготовки отходов к переработке».

Целью исследования является разработка технологии альтернативного топлива путем термокаталитической переработки транспортных шин с использованием активированного катализатора, путем модификации с неорганическими активными веществами.

Задачи исследования. Для достижения цели, поставленной в научной работе, были сформированы следующие задачи:

изучить статистику мирового производства автомобильных шин и накопления отходов;

анализ экологического вредного воздействия отработанных шин;

определение химического состава и свойств отработанных транспортных шин;

